Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1 2-йил чиқиши. НОЯБРЬ 1967 й. ЧОРШАНБА № 257 (412) БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Яшасин ғолибона пролетарлар революциясининг йўлбошчиси, мамлакатимизда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Ленинчи Коммунистик партияси! (КПСС Марказий Комитетининг Октябрь чақириқларидан).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» САҲИФАЛАРИДА

● «Космос-186» йўлдоши бугун, 1967 йил 31 октябрда Ердан берилган команда бўйича ер атрофини 65 марта айланиб чиқиб, космик парвозини тугаллади ва Москва вақти билан 11 дан 20 минут ўтганда белгиланган районга юмшоқ қўнди. Икки йўлдошни автоматик туташтиришни амалга ошириш ва «Космос-186» йўлдошини учириш программасида кўзда тутилган бошқа илмий вазифаларни бажариш батамом тугалланди.

● Кеча Оққўрғонда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросими бўлди. Мангулик қўрғонини очиш маросимида республика партия ва ҳукумат раҳбарлари қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ — ҲИНДИСТОНДА

Шу йилнинг ёз фаслида республикамизда қўшни Ҳиндистон маданияти кунлари бўлиб ўтган эди. Энди навбат Ўзбекистонга келди.

Дўст мамлакатда бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти фестивалида қатнашиш учун махсус делегация самолётда Деҳлига учиб кетди.

Делегация сафида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Саҳибоев, СССР Халқ артисти Ҳалима Носирова, шоира Зулфия, шоир Туроб Тўла, Навоий номли Ўзбек Давлат академик катта театрининг санъаткорлари Э. Йўлдошев, К. Юсупова, Р. Тангуриева, радио артистлари Ф. Содиқов, М. Шамаева ва бошқалар бор.

Ўн беш кун давом этадиган бу фестиваль Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейига бағишланган. У советлар замонасида ўзбек халқи эришган зафарларни намойиш қилиш билан бирга катта дўстлик байрамига айланиб кетади.

Кеча Ҳиндистон Республикасининг пойтахти Деҳлидан бошланган бу фестиваль Бомбей, Калькутта, Хайдаробод каби шаҳарларга ўтади.

ШОНЛИ САНА БЎСАҒАСИДА

Бугун ноябрь ойининг дастлабки куни. Бутун совет халқи, прогрессив инсоният зўр орзиқиш билан кутаётган катта тантана нишонланадиган ойининг дастлабки куни. Байрамга роппа-роса бир ҳафта қолди. Кўчаларимизни тўлатиб карнай-сурнай садолари жаранглайдиган, олтин куз бутун салобатини ўзгача файз, ўзгача шукуҳ билан кўз-кўз қиладиган кун бўсағасида турибмиз. Ҳозирданоқ кунларимизнинг ҳар бири зўр шодиёна, улкан тантаналар вазиятида ўтмоқда.

Кети узилмай берилиб турган ғалаба рапортлари шонли сана шарафига бошланган социалистик мусобақа ажойиб самаралар берганининг ёркин ифодаси бўлмоқда.

Бугун ўн ойлик давлат топшириғини бажармаган корхона қолмади, деса муболаға бўлмайди. Қалби, бутун борлиғи Ватан, халқ меҳри билан йўғрилган азамат халқ ҳар бир нарсага қодир эканлигини эл-юрт олдида яна бир бор зўр ифтихор билан намойиш этмоқда.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг, шунингдек Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва касаба союзлари Ўзбекистон Советининг эсдалик байроқлари мукофотланган коллективларга катта тантана билан топширилмоқда. Бу байроқлар фидокорона меҳнатнинг рамзи сифатида шу коллективларда доимий қолдирилади. Бу — кишиларимизнинг олижаноб меҳнати эвазига берилган юксак мукофотдир.

Кеча газетамизда шаҳардаги кўпгина илғор корхоналарни Тошкент шаҳар партия комитети, меҳнаткашлар депутатлари Совети шаҳар ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг эсдалик байроқлари билан мукофотлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинди. Шу билан бирга шаҳар партия комитети, ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг иттифоқ, республика ва шаҳар эсдалик байроқлари билан мукофотланган коллективларни «Шаҳар ҳурмати китобига ёзиш тўғрисидаги қарорлари ҳам газета саҳифасидан ўрин олди.

Бу юксак мукофотлар, бу катта ҳурмат ва эътибор меҳнат аҳлининг қадр-қиммати, нақадар ошганининг ўлкамизда меҳнат шон-шараф, қаҳрамонлик ишига айланганининг яна бир ёркин намойиши бўлди.

Бугун байрам бўсағасида — улкан тантаналар арафасида партия ва ҳукуматнинг халққа нисбатан кўрсатаётган бу оталарча ғамхўрлик ва меҳрибонликларидан ҳар биримизнинг қалбларимиз фахр, ғурур ҳис ва туйғулари билан тўлиб тошмоқда. Бу ғамхўрликларга жавобан меҳнат кўтаринкилигини янада оширш, ҳар бир шаҳарликнинг эзгу орзусига айланмоқда, зотан бизнинг ўлкамизда зафар зафарга даъват этади, янги режалар порлоқ келажак сари чорлайди.

Пойтахт саноат корхоналарининг пешқадам коллективлари беш йилликни муддатидан олдин бажариш йўлида собит қадамлар билан илгарилаб бормоқдалар. Улар ўз меҳнатлари билан Ватан шон-шуҳратини янада оширишга, унинг халқаро обрў-эътиборини тобора кўпайтиришга ҳисса қўшаётганликларини яхши биладилар, бинобарин, ҳар бир ўн кунлик, ҳар бир ойни меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан нишонлаш анъанага айланди. Шунга кўра бугун пойтахт саноат корхоналарининг меҳнатсевар коллективлари улкан ишга бел боғлаб «Беш йилликни 1970 йил 7 ноябргача бажарамиз» деб хитоб қилаётган экан, бунинг амалга оширилишига барча асослар бор.

Бу меҳнат кўтаринкилиги, бу зўр шижоатни бизга Октябрь берди. Шонли революция ғалабаси бутун жаҳон олдида Советлар ўлкасининг обрў-эътиборини кўкларга қадар кўтарди ва социалистик тузумнинг нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатди.

Келгуси ҳафтада биз ана шу ўлканинг эллик йиллигини иншоллаймиз. Қўшиқларимиз баралла янграсин, овозимиз жарангосининг акс садоси планеталараро маърур янграсин! Шуҳратимизга шуҳрат қўшиш учун шонли меҳнатимиз самараларини тобора кўпайтираверайлик, азиз ҳамшаҳарлар, қадрли дўстлар!

ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Бугун Тошкент Марказий универсал магазинининг коллективига Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика Касаба союзлари Советининг Эсдалик байроғи топширилди.

Қоллектив бу муваффақиятга қандай сазовор бўлганлиги ҳақида Марказий универмаг директори ўртоқ К. Абайхонов ҳикоя қилади:

Марказий универмаг эшиклари шу кунларда эрталаб соат 10 дан то кечқурун 8 га қадар ёпилмайди. Магазиннинг учала қаватида қизғин байрамолди савдоси бормоқда. Бу ердан хурсанд бўлиб чиқиб келаётган кишиларни кўриш мумкин. Марказий универмаг коллективи савдо қилишда маҳсулотларни харидорларга бевосита намойиш қилиб сотиш усулининг ташаббускорлари ҳисобланадилар.

Юбилей олди мусобақасига якун ясалаётган шу кунларда биз зўр фахр билан таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, магазинимизнинг 22 бригадасига коммунистик меҳнат коллективи ва 223 ходимга коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак унвон берилди.

Савдо маданиятини ошириш юзасидан ҳам кўпгина ишларни амалга оширдик. Ҳар бир бўлимнинг ўз кассаси, харид қилинган буюмни топшириш столи мавжуд. Бу харидорлар учун жуда қулай. Газмоллар савдо қилиш бўлимларида бичиш столлари ҳам бўлиб, бу ерда ҳар бир харидор бичиқчи мутахассис ёрдамида ўзи хоҳлаган фасонида кийимлик бичдириб олиши мумкин.

Коллектив ўртасида катта ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борилиши, ишлаб чиқаришга саводнинг энг илғор усулларини мунтазам жорий этабориш туфайли коллектив ўн ойлик товар оборати планини муддатидан 18 кун илгари бажаришга эришди. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда магазинимизнинг коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳисобланган секция мудирлари ва сотувчилар катта ҳисса қўшдилар. А. Сашина, Ш. Шоюнусов, М. Эшонхўжаева, Н. Жамолова, Т. Тимошенко, Т. Ҳайдароз ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунги қувончимизнинг чеки йўқ. Бу ҳаммага маълум. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари Советининг қарори билан бошқа коллективлар қатори бизнинг Марказий универмаг коллективи ҳам эсдалик Қизил байроқ билан мукофотланди.

Биз партия ва ҳукуматимизнинг меҳнатимизга берган бу юксак баҳосини қадрлаймиз. Зиммамизга янги оширилган мажбуриятлар қабул қилдик. Магазин хизматчилари Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги байрамига қадар яна қўшимча олти миллион сўмлик маҳсулот сотиш ва пландан ташқари 330 минг сўмлик даромад олишга эришишга аҳд-қарор қилганлар.



Сурат Марказий универмаг пешқадамлари.

МУДДАТИДАН ОЛДИН



Заминида бешинчи қаватигача яхлит темирбетон билан мустаҳкамланган азим корпус. Бу корпус конструкцияси ва вазифасига кўра олдинги бинолардан ўхшамайди.

Техниканинг сўнгги ютуқларини асосида қад кўтарган бу бино Ўрта Осиёда энг йирик музхонадир.

3-трест 12-қурилиш бошқармасининг 200 дан ортиқ бинокори ўтган йили қурилишни юбилей объекти, деб эълон қилган эди. Қиш аёзини, сатрон жазирамасини писанд қилмай фидокорона қилинган меҳнат самараси кўз ўнгимизда. Бир йўла 10 минг тонна гўшт ва сут маҳсулотларини саранжом-саришта қилиб сақлайдиган янги музхона тайёр.

Объектнинг монтаж ишларини бажарган С. Старчак бошлиқ оловкор йигитлар, В. Гергендер бошчилигидаги ғишт терувчи усталар, Горук раҳбарлик қилган изоляцячилар Ватанимизнинг шонли тўйига муносиб совға тортиқ қилдилар.

— Иншоот 1968 йилнинг биринчи кварталида ишга тушиши керак эди,— дейди участка бошлиғи А. Лотоцкий. Ҳиммати баланд қурувчиларимиз юбилей олди вахтасида туриб меҳнат қилиб, қурилишни муддатидан беш ой илгари буюртмачига топширдилар.

— Янги музхона суткасига 500 тонна маҳсулотни қабул қилиб олади ва шунча тонна юкни оборотга чиқаради,— деб изоҳ беради бош инженер Б. Хенкин.

— Бу юмушни бажариш учун озмунча ишчи керак бўлмасмикин!

— Ундаги хизматчилар сони кичик музхоналардаги ишчилар сонидан ошмайди. Юк тушириш ва ортиш ишларн тўла механизациялашган.

Музхонанинг юраги ҳисобланган машина бўлимида бошқарув пульти жойлашган. Бу ердан туриб камераларда мўътадил ҳароратни сақлаш, ҳароратни 18 даража иссиқдан, 38 даража совуққача ўзгартириш мумкин. Универсал камераларда турли хил маҳсулот сақлаш мумкин.

— Янги йилдан бошлаб музхона қошида 40 миллион дона тухум сиғадиган қўшимча корпус қуриш бошлаб юборилади,— дейди музхона директори В. Новикова. — Музхонанинг иккинчи навбати ишга тушгач унинг қуввати бир ярим баравардан зиёд ошиб, сиғими 16 минг тоннага етади.

Б. ҚАҲҲОРОВ.

Оловкорлар туҳфаси

«Союзгазпромстрой» трестининг пойтахтимизни қайта қуришда қатнашаётган ихтисослаштирилган бошқармаси қурувчилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига муносиб туҳфа тайёрладилар. Бошқарманинг Ф. Г. Ермак бошлиқ Сергели участкаси коллективи 17 та 8 қаватли, 33 та 12 қаватли турар-жойни муддатидан бир ой олдин фойдаланишга топширди.

Шунингдек Чилонзорнинг 9-кварталида ҳар бири 50 квартиралик 2 та бино ишга туширилди. Бу ерларга В. Левочкин, К. Севилов, П. Бадагин, А. Ивакин, Н. Ким, Б. Байбулатова, Давлатбоев, Розиқов, ўртоқлар бошлиқ бригадалар айниқса катта ҳисса қўшдилар.

С. НАЖИМОВ, ишчи.

Шонли йўл

Улуғ Октябрь билан бирга дунёга келган ўзбек совет адабиёти 50 йил давомида доно Коммунистик партия раҳбарлигида улкан шонли йўлни босиб ўтди. Бу давр ичида адабиётимизга атоқли ёзувчилар: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний лар кетидан Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Собир Абдулла каби қатор моҳир сўз санъаткорлари ва қанчадан-қанча ёш авлод келиб қўшилди.

Ўзбек Совет болалар адабиёти ва унинг Зафар Диёр, Қудус Муҳаммадий, Шукур Саъдулла, Адҳам Раҳмат каби намояндаларининг етишиб чиқиши ҳам маданий ҳаётимизда кўзга кўринарли воқеа бўлди.

50 йил давомида адабий танқидчилик ва адабиётшунослик соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Кўзга кўринган олим, адабиётшуносларимиздан Воҳид Зоҳидов, Иззат Султонов, Юсуф Султонов, Ҳоди Зарифов, Матёқуб Қўшчонов, Озод Шарафуддинов ва бошқалар яратган асарлар бунга мисол бўла олади.

Қисқаси, ўзбек совет адабиёти 50 йил мобайнида проза, поэзия, драматургия, адабий танқидчилик—ҳуллас барча жанрлар бўйича ҳар томонлама ўсди-юксалди.

Кеча Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг Октябрнинг шонли 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган пленумида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Комил Яшин ана шулар ҳақида муфассал доклад қилди.

Пленумда сўзга чиққан ёзувчилардан Ҳамид Ғулом, Шомил Алядин, Иззат Султонов, Уйғун, Иброҳим Юсупов ва бошқалар ҳам шонли Октябрдан сўнг ўзбек адабиёти ва маданияти босиб ўтган порлоқ йўл ва бу соҳадаги улкан ютуқлар ҳақида сўзладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда бир группа ўзбек шоирлари томонидан Октябрнинг 50 йиллигига бағишлаб ёзилган шеърий **Тўҳфат** ўқиб эшиттирилди.

МАҲАЛЛА «ҲУРМАТ ТАХТА»СИ

Куни кеча «Янги ҳаёт» маҳалласи аҳолисининг Улуғ Октябрь 50 йиллик тўйига бағишланган йиғилиши бўлди.

Маҳалла комитети раиси ўринбосари Мансур Маҳмудов Октябрь революциясининг келтирган зафари ҳақида гапирди. Докладчи маҳалла ҳаётидан мисоллар келтирди.

Маҳалла комитетининг 30 дан ортиқ активига байрам совғалари топширилди ва уларнинг номлари маҳалла ҳурмат тахтасига ёзилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан ва социалистик гуманизм принципларига амал қилиб, СССР Олий Совети Президиуми жамият учун катта хавф туғдирмайдиган жиноятларни биринчи марта қилган ва яхши хулқи ҳамда меҳнатга соф виждонли муносабатда бўлиши билан жамият олдидаги айбини ювишга интилганликларини исбот қилган гражданларга нисбатан амнистияни қўлланиш мумкин деб ҳисоблайди.

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Икки йилгача озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғланмаган жазога ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

2. Беш йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган қуйидаги шахслар жазодан озод қилинсин:

а) Совет Ватанини ҳимоя қилишдаги жанговар ҳаракатларда қатнашганлиги учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланган шахслар, шунингдек уруш инвалидлари;

б) 17 ёшгача болалари бўлган аёллар ва ҳомиладор аёллар;

в) 60 ёшдан катта бўлган эркаклар ва 55 ёшдан катта бўлган аёллар;

г) 16 ёшгача бўлиб жиноят қилган шахслар;

д) эҳтиётсизлик орқасида жиноят қилган шахслар.

3. Икки йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазоси жазо муддатининг ушбу фармон кучга кирган кунгача ўтилмаган қисмининг ярми қисқартирилсин.

4. Ушбу фармон кучга кирган кунга қадар қилинган ва қонунда икки йилгача озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо бериш ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғланмаган жазо бериш кўзда тутилган жиноятлар тўғрисида, шунингдек ушбу фармоннинг 2 моддасида кўрсатилган шахслар томонидан қилинган ва қонунда беш йилгача озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо бериш кўзда тутилган жиноятлар тўғрисида терговда бўлган ҳамма ишлар ва судда қаралмаган ҳамма ишлар тўхтатилсин.

Ушбу фармон кучга кирган кунга қадар қилинган ва қонунда икки йилдан ошиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазолаш кўзда тутилган жиноятлар тўғрисидаги, шунингдек ушбу фармоннинг 2-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан қилинган ва қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазолаш кўзда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича амнистияни қўлланиш ҳақидаги масалани суд ушбу фармоннинг 1, 2 ва 3-моддаларига мувофиқ ҳал этади.

5. Ушбу фармоннинг 1, 2 ва 3-моддаларида кўрсатилган шахслар жазолашнинг сургун ва бадарға қилиш тарзидаги қўшимча тадбирларидан озод қилинсин.

6. Амнистия қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилмасин:

А) давлатга қарши қилинган жуда хавфли жиноятлар учун, шунингдек «Давлатга қарши жиноят учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР Конунининг 14, 14[1], 15, 16, 17, 23, 24 ва 25-моддаларида, «Ҳарбий жиноят учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР қонунининг 2-моддаси «А» ва «Б» пунктларида, 4-моддасида, 6-моддасининг «А» пункти, 11-модданинг «А» ва «В» пунктлари, 13-модданинг «А» пункти, 19-модданинг «Д» пункти, 21-модданинг «А» ва «В» пунктларида кўзда тутилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар;

Б) Қасддан ўлдириш учун, зарур мудофаа чегарасидан ошиб кетганда, ёки жуда ҳаяжонли ҳолатда ўлдириш бундан мустасно; қасддан баданни оғир жароҳатлаш, зарур мудофаа чегарасидан ошиб кетганда ёки жуда ҳаяжонли ҳолатда қилинган жароҳатлаш бундан мустасно; милиция ходими ёки халқ дружиначисининг жонига тажовуз қилганлик; зўрлаш; давлат ёки жамоат мулкини такрор марта ўғирлаганлик ёки кўп миқдорда ёхуд жуда кўп миқдорда ўғирлаганлик; ўт очиш қуролини, ўқ-дори ёки портловчи моддаларни ўғирлаганлик; босқинчилик; талончилик; гражданларнинг шахсий мулкини такрор ўғирлаганлик; пора олиш, пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилганлик; қасддан безорилик қилиш; жамоат тартибини группа бўлиб кўпол равишда бузишни ташкил қилиш ёки унда актив қатнашиш; наркотик моддаларни тайёрлаш, сотиш ёки сотиш мақсадида сотиб олиш; балоғатга етмаганларни жиноий ишларга жалб этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар;

В) жуда хавфли рецидивистлар деб ҳисобланган, шунингдек қасддан жиноят қилганлик учун илгари ҳукм қилинган ҳолда яна қасддан жиноят қилган ва жинояти учун озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо белгиланган шахслар;

Г) суд томонидан белгиланган жазо муддатини тўла ўташдан олдин амнистия бўйича, айбини кечириш тартибида, шартли-муддатдан илгари ёки бошқа асосларга кўра илгари қамоқдан озод қилинган ҳолда яна қасддан жиноят қилган шахслар;

Д) жазони ўташ вақтида режимни қасддан бузган шахслар.

7. Ушбу фармон кучга кирган кунга қадар маъмурий тартибда жазоланадиган ноҳуш ишларни қилган шахслар яхши хулқли ва меҳнатга соф виждон билан муносабатда бўлганлари тақдирда, жазо чораларидан озод қилинсин.

8. Ушбу фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1967 йил 31 октябрь

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Машина зали тайёр


Лекин номли майдонда қурилаётган етти қаватли маъмурий бино битди ҳисоб. Уни фойдаланишга топшириш учун ҳозирлик кўрилмоқда. Шу кеча-кундузда бу бинони ситиш ва ҳавосини янгилаш учун хизмат қиладиган машина зали қурилиши ҳам ниҳоясига етди.

Бу ишларни 2-«Висотстрой» трестига қарашли 17-қурилиш бошқармаси шоввозлари бажардилар.

Декабрь ойи ҳисобига

Ихтисослаштирилган «Стальмонтаж» трестининг Тошкент-монтаж бошқармаси коллективи байрамолди вахтасида туриб меҳнат қилиб, 11 ойлик план топшириқларини муддатидан олдин адо этди.

Ғайратли монтажчилар шу улуғ айём арафасида декабрь ойи топшириқларини бажаришмоқда. Коллективнинг аҳди катта. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг юбилейигача йиллик планни тўла адо этишмоқчи.



Шаҳримизнинг Усмон Юсупов кўчасида қаҳрамон шаҳар Ленинград бинокорлари янги микрорайон «Марказ-13»ни бунёд этмоқдалар. Ҳозир бу ерда болалар боғчаси, мактаб ва ҳар бири 96 квартирали тўрт уй қуриб битказилди. Яқин орада бу ерда 28 кўп квартирали уй фойдаланишга топширилади. Мана бу суратда эса шу «Марказ-13» микрорайонининг, бўлажак қиёфаси акс этган.

БУГУН — «ҚИЗИЛ ТОНГ» ФИРМАСИДА

Фирма виставкаси

«Тоҳир ва Зуҳра» магазинида ташкил қилинган виставка куни кеча ёпилди. Бир неча кун давомида бу ерда кишилар «Қизил тонг» фирмаси тикиб чиқаётган болалар кийимлари билан танишишди ва ўзларига ёққанини танлаб, харид қилишди. Фирма ишлаб чиқараётган маҳсулот аҳолига манзур бўлди. Виставкада асосан мавсум олди кийимлари — пальтолар намойиш қилинди.

●

50983 та пальто

Фирма коллективи юбилей вахтасида туриб ишлаб, қиш мавсуми олдидан кўплаб пальто ишлаб чиқармоқда. Август ойида тикувчилар 8807 та эркаклар пальтоси, 12404 та аёллар пальтоси, 29762 та болалар пальтоси, жами 50983 та пальто ишлаб чиқаришди. Чеварлар сентябрь ойида ҳам ғайрат қилиб планни 102,3 процент бажаришди. Бу маҳсулотлар Марказий универмаг, савдо маркази, «Болалар дунёси», каби магазинларга жўнатилди.

●

Юбилей модалари

Юбилей йилида ҳар бир цех коллективи кўтаринки руҳ билан ишлаб тўйга тўёналар билан боришни кўнглига тугиб қўйган. Шу муносабат билан барча цехлар янги модалар бўйича бир нечтадан пальто ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Баъзи цех тикувчилари эса бу мажбуриятни бажариб қўйишди. Жумладан, 7-цех июль ойида 1500 та, 2-цех 1800 та, сентябрда 750 та янги фасонли катталар пальтоси ва 1100 та болалар пальтоси тайёрлашди.

Машина дазмоллайди

7-цехга киравериш да ажойиб бир машинага кўзингиз тушади. Кнопка босилса кифоя, машина ўзи буғ билан материални намлаб дазмоллайверади.

Машина тез ишлаш билан бирга материални сифатли дазмоллайди. Натижада қўл меҳнати сарфлаш камайиб анча фойда кўрилмоқда.

●

Ўрта Осиё республикаларида

Фирма ишлаб чиқараётган кийим-кечаклар фақат Ўзбекистонда эмас, балки Ўрта Осиёнинг барча республикаларида ҳам шуҳрат қозонмоқда. Фирма номига келаётган буюртмалар сони тобора ортиб бормоқда. Пальтолар Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларига жўнатилмоқда. Қардош республикалар аҳолиси Тошкент пальтосини севиб кийишмоқда.

●

Нафиса

4-цех гувур-гувур. Тикув машиналарининг овози, хотин-қизларнинг суҳбати, кулгисига қўшилиб кетган. Пальтонинг кўкрак қисмига, астар-авранинг ўртасига қўйиладиган «қотирғич» тикаётган қизнинг чаққон ҳаракати цехга дастлаб кирган ҳар бир кишининг диққатини ўзига тортади.

Нафиса тўрт йилдан бери шу цехда меҳнат қилиб коллектив ҳурматини қозонган.

— Иш жойим аниқ эмас,— дейди Нафиса. Менинг ишим шундайки, қайси жойда ишчи кучи етишмаса — бирор тикувчи ишга келмай қолса, ўшанинг машинасида ишлайвераман.

Нафиса Исроилова фақат фирма иши билан чекланиб қолмаган. У ТошДУ нинг кечки журналистика факультетида ҳам ўқийди.

ЯНГИЛИКЛАР

Октябрь монументлари

Қозоғистон пойтахти Олмаота шаҳрининг энг серқатнов чорсиларидан бири бўлган Тошкент кўчасида революция қурашчиларига ҳайкал ўрнатилди.

Олмаота шаҳар Советида АПН мухбирига Октябрь байрами арафасида Қозоғистон пойтахтини янги ҳайкаллар, монумент ва обелисклар безаяжагини айтишди. Опера ва балет театри олдида Қозоғистоннинг машҳур оқини Жамбул Жабоев ва қозоқ совет адабиётининг асосчиларидан бири Мухтор Авезов ҳайкаллари, шунингдек граждан уруши саркардаси Михаил Фрунзе, жангчи ёзувчи Дмитрий Фурманов, Қозоғистонда революциянинг дезюрак курашчилари бўлган Токаш Бокин ва Ўроз Жондўсов ҳайкаллари очилади.

28 панфиловчи қаҳрамон номидаги паркда шон-шараф Монументини қуриш иши тугалланяпти. Уни Рустам Сайдалин раҳбарлигидаги бир гуруҳ архитекторлар яратди. 17 метр баландликдаги бу ҳайкал занглamайдиган пўлатдан ишлангандир. Октябрь 50 йиллиги арафасида ҳайкал тагидаги пардозланган қора метин қоса нчида абадий аланга ёндирилади.

Иосиф МОЛЯР,
АПН мухбири.

ЛАТВИЯ—АСУАНГА

Давлат электротехника — ВЭФ заводида (Рига шаҳри) Асуандаги электросистема учун махсус тайёрланган учта автоматик телефон станциясини йиғиш ишлари тугалланди. Станциялардан бири 60 номерли бўлиб, тўғоннинг ўзида монтаж қилинади. Ҳар бири 30 номерли қолган икки станция электр қуввати юборадиган Асуан — Қоҳира линияларига ўрнатилади.

Ригаликлар Совет Иттифоқининг кўпгина электростанциялари учун телефон станциялари тайёрлаган эдилар. Улар мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Мутахассислар автомат телефон станцияларини Асуан электростанциясида монтаж қилишда ҳам арабистонлик дўстларига бевосита ёрдам берадилар.

Борис ГЕЙМАН,
(АПН).

ВОҚЕАЛАР

ЧЕТ ЭЛЛИК СТУДЕНТЛАР БАЙРАМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

Африка, Осиё ва Латин Америкасининг 23 мамлакатидан келиб Қрим Медицина институтида таълим олаётган чет эллик 112 студент Совет давлатининг 50 йиллигига бағишлаб 7 ноябрда Симферополда ўтказиладиган байрам намойиш колонналарида бўладилар.

Чет эл студентлари — Ирок, Яман, Судан, Марокаш, Иордания, Ангола, Сомали, Гвинея, Мали, Кения, Танзания, Жанубий Родезиянинг йигит ва қизлари Совет давлатининг ярим асрлик юбилейи шарафига ўтказиладиган умумстудентлар тантанали мажлисига тақлиф этилади. Сўнгра улар совет студентлари билан биргаликда бадиий ҳаваскорлик кечасида қатнашадилар. Улар бу кечада ўз ашула рақслари билан чиқиш учун тайёрланмоқдалар.

Сергей ШАНТИРЬ,
АПН мухбири.

Свердлов ҳақида опера

Свердловскдаги А. В. Луначарский номидаги опера ва балет академик театри Совет ҳокимиятининг юбилейига Борис Гибалининг «Ўрток Андрей» деган операсини саҳнага қўйиш учун тайёрланаяпти. Бу опера машҳур ленинчи революционер — Яков Михайлович Свердловга бағишланади.

Опера премьераси Октябрь 50 йиллиги арафасида қўйилади.

Людмила БУТОРИНА,
АПН мухбири.

ОЗОДАЛИК ЗАВОДИ

Ленинграднинг ўзидагина ҳар йили Исаакиевск собори баландлигидаги тоғ қадар маиший ахлат чиқади. Бу ахлатларни қандай қилиб йўқотиш керак? Бу саволга «Гидрокоммунстрой» институтининг мутахассислари жавоб беришди.

Улар бу масалани шундай ҳал этишни тақлиф қилдилар. «Спецтрансэнинг ахлат ташувчи машиналари Ленинград ҳовлиларидан тўпланган юкларини шаҳардан ташқаридаги Красное Селога келтириб, бу ерда маиший ахлатларни кеча-кундуз қайта ишлайдиган автоматлаштирилган заводга топширадилар. Заводда, барабанларга тўлган ахлатлар ҳисобсиз микроблар таъсири билан саксон даражагача қизиб ўзўзидан «ёна» бошлайди. Шу билан бирга у тўла равишда зарарсизлантирилади ва таркибида азот, фосфор, калий моддалари бўлган ва ерни ўғитлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган қоришмага айланади.

Бу завод келгуси йилда ишга туширилади ва уч йил ичида ўз қимини қоплайди.

Олег КАРИШЕ
АПН

ФАКТЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«МАССИВНИНГ ТАШВИШЛАРИ»

Бугунги Тошкентга разм солганда, ажиб ва кишини ҳушиуд этадиган манзарага дуч келасиз: у кун сайин эмас, соатлар сайин қўзиқоринлай бирин-кетин қад кўтараётган бинолар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда, гўзаллашмоқда. Бу яхши албатта. Шубҳасизки, бундай катта қўламдаги ишларни олиб боришда қийинчиликлар ҳам содир бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда янгидан бунёдга келтирилган Янгиобод массивида ҳам анчагина ишлар қилиниши лозим.

Куйбишев районига қарашли бу массивда асфальтланмаган кўчалар бор, магазинлар кўнчилик истиқомат қилаётган жойдан анча узоқ жойлашган, буларнинг ҳам таъминоти кўнгилдагидек эмас. Водопровод, электр масаласи ҳал қилинмаган. Массивнинг санитария ҳолати талабга жавоб бермайди. Яна шунга ўхшаш нуқсонлар ҳам борки, буларни тезда бартараф этиш зарур.

Газетамизнинг шу йил 30 августда «Массивнинг ташвишлари» сарлавҳаси остида босилган материалда шулар ҳақида мулоҳаза юритилган эди.

Редакция Куйбишев район коммунал хўжалигидан жавоб олди. Унда қуйидагилар ёзилган:

— Газета материалида кўрсатилган нуқсонлар тўла тасдиқланди. Район советининг сессиясида санитария ва ободончилик масаласи кўрилганда, Янгиобод массивига алоҳида эътибор берилди.

Бу массивда мактаб биноси қуришни жадаллаштириш, кўчаларни асфальтлаштириш газ, электр келтириш, водопровод қувурлари ётқизиш, телефон ўтказиш бўйича тегишли ташкилотларга топшириқлар берилди. Шунингдек, шаҳар ижроия комитетининг бевосита Янгиобод массивида ўтказилган кўчма планеркасида ҳам бу масалалар яна бир карра алоҳида таъкидланди.

РЕДАКЦИЯДАН: Куйбишев район коммунал хўжалигидан олинган жавобга қарағанда район ижроия комитети талайгина топшириқларни берган. Аммо гап фақат топшириқлар беришдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Материалда топшириқлар берилиб ижроси текширилмагани учун массивда кўп ишлар ўлда-жўлда ётгани айтилган эди.

Энди топшириқлар ҳам қоғозда қолиб кетмаслиги учун Куйбишев район ижроия комитети қатъий назорат ўрнатса яхши бўлар эди. Массив меҳнаткашларининг талаби шуни тақозо этади.

ДИЛИМИЗ РАВШАН

Барча совет кишилари каби бизнинг маҳалла аҳолиси ҳам Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Маҳалла комитети раҳбарлигида маҳалламизда жамоатчилик асосида қурилган клуб капитал ремонтдан чиқарилиб, клуб атрофидаги кўча ва хиёбонлар электрлаштирилди.

Маҳалла территориясидаги барча кўприклар тўла ремонтдан чиқарилди, кўчалар тозаланди, хиёбонлар тартибга келтирилди.

Ҳ. АҲМАДЖОНОВ,
Октябрь район Советининг депутати, «Гуручарик» маҳалла комитетининг раиси

●


КЎРГАЗМАДА

В. И. Ленин номли якка буюртмалар бўйича кийим тикиш фабрикасининг қўли гул ҳунармандлари, инженер-технолог ходимлари аҳолининг кийим-кечакка бўлган кундалик талабини қондириш билангина кифояланиб қолмайдилар. Шу билан бирга улар аҳолининг янгидан-янги истакларини ўрганиш ва қондириш мақсадида тез-тез корхоналарга, турар жойларга бориб турадилар.

Бу сафар бош технолог Д. Кураева, ярим фабрикатлар ателъесининг бошлиғи М. Боқиева ва бошқа тикувчи, бичиқчилардан иборат группа «Узбексельмаш» заводи меҳнаткашлари ҳузурига йўл олди. Бу ерда кийим-кечаклар кўчма кўргазмаси намойиш қилиниб, фабрика ходимлари янги модалар тўғрисида гапириб берадилар.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ФОТОАППАРАТ БИЛАН РОССИЯ БЎЙЛАБ





Бошқирдистон АССР. Салават шаҳри. Суратда: Маданият саройининг биноси.

Москва яқинидаги Ногинск шаҳри атрофидаги Подвязново қишлоғининг аҳолиси ана шундай шинам уйларда истиқомат қилишади.

Б. Клипиницер ва Н. Акимов фотолари, (ТАСС).

АРТИСТ ВА ПЕДАГОГ

Бундан юз йил илгариги тарихга назар ташласангиз, Туркистон ўлкасида, жумладан Тошкентда мударрис Абдуалим қори, Турсун Муҳаммадохун, Абдулҳақ домла бин Абдуалим,, Маъруфхон Тўра, Файзулло қори (Алмаий)га ўхшаш олимлар бўлганини кўрасиз. Тошкентнинг Арпапоя маҳалласида туғилиб ўсган Аҳмадхон ҳам шулар жумласидан. Бу ажойиб олим мадрасада, ўқиб, унинг ўқитиш усулидан норози бўлганлиги, табииёт фани билан ҳамиша шуғулланиб, тажрибалар олиб борганлиги, осмонга инсоннинг учиши мумкин деган фикрларини сўзлагани учун Бухорода кофирликка ҳукм қилинади. Бу ҳодисадан кейин Аҳмадхон Тошкентга қочиб келиб, рус маъмурларининг ёрдами билан ўлимдан қутулиб қолади. Мана шу олим ва улуғ хаттот оиласининг ҳаммаси деярлик адабиёт ва санъатдан хабардор кишилар бўлган. Бу оиланинг аъзолари Октябрдан кейин ҳуқуқ ва маориф соҳаларида ишлаб келдилар.

Мана шу маърифатпарвар оилада туғилиб тарбия топган Ўзбекистон халқ артисти Шоҳидахоним Маъзумова ёшлигидан адабиёт ва санъатга қизиқади. Оилада эшитган Навоий, Фузулий ғазалларидан, мусиқадан паззат олади-да эшитганларини дарҳол ёдлайди, ижро эта бошлайди. Дутор чалишни жуда тез эгаллайди.

У тезда бошланғич мактабга кириб ўқий бошлайди. Шундай қилиб, Шоҳидахон бешинчи синфга ўтиш олдида Октябрь революциясини кутиб олади. Советлар давлати маорифга кенг йўл очгач, Қоратош маҳалласида очилган 49-мактабга киради. Шоҳидахонимнинг истеъдоди ўқитувчиларнинг диққатини ўзига жалб этади. 1920 йилда Шоҳидахоним Еникеева раҳбарлигида очилган «Зебинисо» номли биринчи ўзбек хотин-қизлар билим юртига юборилади.

Шу пайтларда пианино, дутор чалишни билган ўзбек қизларидан биринчиси Шоҳидахон бўлди. У паранжи остида эзилган хотин-қизларнинг феодализм сарқитларидан тамом қутулиб, янги бахтли турмушга эришишлари учун бутун борлиғи билан ишлайди. Саводсизликни туғатиш курсларида узлуксиз ўқитувчилик қилиб боради, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказади. У 1925 йилда хотин-қизлар билим юртини битириб чиқди. Ҳудди шу пайтда билим юрти қошида очилган саводсизликни туғатиш курсида муаллималик қилиб боради. Ўқиб юрган пайтларида (1921-22) Октябрь район партия комитетининг хотин-қизлар бўлимида Жаҳон опа Обидова қўли остида ҳам ишлайди.

1926-27 йилларда Ишчилар факультетида ўқийди. Ўзбек рақс санъатининг қобилиятли намояндаларидан Али Ардобус раҳбарлигида билим юрти ҳузурида ташкил топган бадиий тўгаракда фаол қатнашади ва биринчи бўлиб Ойдин (Манзура Собирова)нинг «Янгиликка қадам», «Комсомол» асарларининг асосий ролларини муваффақият билан ижро этади.

Шундай қилиб, театр санъатидан бир қадар тажриба ва маълумотга эга бўлиб, 1929 йилда ўзининг ёшлигидан ўтсочар юрагини таскин қилган санъат институтига ўқишга кетади. Мана шу вақтдан бошлаб Шоҳидахоним жуда мураккаб ролларни ижро этиб, тажрибасини орттириб боради, У, «Фарҳод ва Ширин» пьесасида Ширин ролини, Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» номли музикали операсида Ҳалима ролини, Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи»сида Гулбаҳор ролини, Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»да Луиза, «Қароқчилар»ида Амалия ролини, Комил Яшин ва Амин Умарийнинг «Ҳамза» номли асарида Санобар ролини, Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари»да Сурмахон ролини ажойиб маҳорат билан ўйнади.

Вужудила санъат шайдоси бўлган бу ўзбек аёли Ҳамза театрида ишлаб турган чоғида Тошкентдаги Островский номли Театр ва рассомлик институти режиссёрлик бўлимини битиради. Шундай қилиб, Шоҳидахоним ўзбек хотин-қизларидан биринчи режиссёр бўлиш шарафига эришади.

Шоҳидахоним Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Ленин орденли академик драма театрида 1929 йилдан 1964 йилгача ишлаб келди. Унинг хизматларини Советлар ҳукумати тақдир этиб, 1944 йилда Хизмат кўрсатган артист, 1950 йилда Ўзбекистон халқ артисткаси — деган фахрий унвон берди. 1962 йилда эса доцентлик илмий даражасини олишга муяссар бўлади. 1959 йилда Санъат институтини тамомлаб ҳозирда Тошкентдаги Ҳамза номли академик драма театрида масъул ролларни ижро этиб боруvчи истеъдодли ёшлардан бир қанчасини тарбиялайди. Кино артисти Тўлқин Тожиев билан Света Норбоева, Санъат институтининг саҳна нутқи муаллимаси Зуҳра Олимжонова, Тошкент телевизор студиясининг режиссёр ассистенти Мирсиддиқ Файзибоев, Наманган театрининг артисти Тамара Жабборова, Самарқанд мусиқали ўзбек драма театри артистларидан Носиржон Устабоев кабилар Маъзумованинг қўлида етишганлардандир.

Шоҳидахоним Маъзумова 1954 йилдан бошлаб ҳозиргача Тошкент театр санъати ва рассомчилик институтида ёш кадрларни тарбиялаб партия ва Советларнинг 50 йиллик тўйини шундай шарафли хизматлари билан кутиб олмоқда.

Лазиз АЗИЗОДА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими.



1966 ЙИЛ

23 МАЙ. Тошкент вилояти оқибатларини тугатиш бўйича Иттифоқ ҳукумат комиссиясининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ И. Т. Новиков журналистлар билан суҳбатда иттифоқчи республикалар ва СССР шаҳарлари Тошкентга кўрсатадиган амалий ёрдам ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди. Иттифоқчи республикалар, Москва, Ленинград шаҳарлари Тошкентда бир миллион квадрат метрдан энёд турар жой қурадилар. Иттифоқ министрликлари ва тармоқлари юз минглаб квадрат метр уй-жой қурадилар. Биргина Россия Федерацияси Тошкентга 330 минг квадрат метр уй-жой қуриб беради. Москва бинокорлари қурадиган 230 минг, Ленинград бинокорлари барпо этадиган 100 минг квадрат метр уй-жой бу ҳисобга кирмайди. Украина бинокорлари Тошкентда 160 минг квадрат метр, Белоруссия 25 минг, Қозоғистон 28 минг, Грузия 22,5 минг, Озарбайжон 35 минг, Литва 10 минг, Молдавия 6 минг, Латвия 7,5 минг, Қирғизистон 11,5 минг, Тожикистон 8 минг, Арманистон 15 минг, Туркманистон 9 минг, Эстония 5,4 минг квадрат метр уй-жой совға қилади.

26 МАЙ. Москвалик бинокорлар тушган биринчи қурилиш поезди Тошкентга етиб келди. Поезд раҳбарлари Москвада яна Тошкентга юбориш учун қурилиш техникаси ва бинокорлик материаллари ортилган 200 темир йўл составини ҳозирланаётганлигини хабар қилдилар.

28 МАЙ. Бухоро — Урал газ қувури қурилишининг бир группа қурувчилари зилзиладан зарар кўрган Тошкентга ёрдам кўрсатиш учун етиб келдилар. «Заҳгори олов» кишилари биринчи куниёқ Ўзбекистон пойтахти янги водопроводи учун диаметри 800 миллиметр бир километр узунликда қувурни пайванд қилдилар.

31 МАЙ. Газеталарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Алишер Навоий номли Давлат Академик опера ва балет театрини Меҳнат Қизил Байроқ орденли Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Катта Академик театри деб қайта ташкил қилиш ҳақидаги қарори эълон қилинди.

1 ИЮНЬ. Октябрь район аҳолиси Тошкент шаҳрининг барча аҳолисига мурожаат қилиб, зилзила оқибатида уй-жойлари бузилган кишиларга ошнача беришга чақирдилар. Октябрь районидаги 60 та маҳаллада минглаб оилалар учун уйлар бўшатилди. Бундан ташқари ётоқхоналарини зилзиладан зарар кўрган оилаларга бўшатиб берган 4000 студент Октябрь районидан бошпана топди.

ЖОНАЖОН РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Юбилей йилининг толалари

Фарғона водийсидаги Ўзбекистон пахта тозалаш заводи коллективи республикамизда беш йилликнинг иккинчи йил топшириғини биринчи бўлиб бажарди. Корхона шу даврда ишлаб чиқарган пахта толалари 300 миллион метр газлама ишлаб чиқаришга етади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони костромалик тўқувчи В. Плетневанинг беш йилликнинг иккинчи йил планини Октябрь 50 йиллигигача бажариш учун бошлаган ташаббусига республикамизнинг 8 минг нафар меҳнаткаши қўшилган. Бу касб эгаларининг бошлаб юборган оммавий мусобақалари пахта тозаловчиларнинг йиллик мажбуриятларини муддатидан олдин адо этишларига имкон берди. Улар мамлакатимиз тўқимачилари учун планга қўшимча 40 эшелон пахта толаси ишлаб чиқаришни оширишга қаратилган.

Ўзбекистоннинг барча пахта тозалаш заводлари юбилей йилида 1 миллион тоннадан ортиқ ана шу қимматли хом ашёни ишлаб чиқардилар. Юбилей йилида янги корхоналарнинг ишга тушиши туфайли пахтани қайта ишлаб чиқарадиган корхоналар қуввати яна ярим миллион тоннага ортади. Пахта тозалаш ишларида технологик процессларни қайта қуриш машиналарда терилган «оқ олтин»лардан сифатли толалар ишлаб чиқаришни оширишга қаратилган.

Дарё бўлиб оқмоқда

Ўзбекистонимизда етиштирилган турли-туман мевалардан тайёрланган шарбатлар ўзининг таъми билан Ўрта Осиёда энг тотли ҳисобланади. Ундан республикамиз меҳнаткашларигина эмас, балки шунингдек Узоқ Шимол, Узоқ Шарқ, Урал, Сибирь ва қўриқ ер ўлкасининг меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Ўзбекистонлик консервачилар юбилей йилида тайёрлаган мева шарбатлари дарё бўлиб оқмоқда. Бу йил ўрик, анор, шафтоли, олхўри, наъматак ва олма каби олти хил мевадан ичимлик шарбатлар тайёрланди. Мамлакатимизда биринчи бор Шаҳрисабз консерва заводида ишлаб чиқарилган бу ичимликлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистондаги консерва заводлари бу йилги мавсумда 21 миллион банкадан ортиқ мева шарбати тайёрладилар. Бу, йиллик топшириқда белгиланганидан бир ярим миллион банка ортиқдир. Пландан ташқари ишлаб чиқарилаётган шарбатларни кўрсатувчи рақам йил охиригача яна тўрт баравар ортади. Бундан ташқари, бу йилги мавсумда 20 миллион банкага яқин помидор шарбати ҳам тайёрланди.

Халқаро ярмаркага

Ўзбекистон консервачилари дала меҳнаткашлари етиштирган ҳақиқ рангли помидорлардан шарбат, паста ва соус тайёрладилар. Октябрь революциясининг 50 йиллик юбилейига атаб бу маҳсулотлардан 150 миллион шартли банка ишлаб чиқарилди. Бу, йиллик планга кўзда тутилганидан 32,5 миллион шартли банка кўп демакдир.

Ғазалкент консерва заводи бу йил паста тайёрлаш бўйича ўз олдига қўйилган вазифани 1,5 баравар ошириб бажарди.

Завод тайёрлаган маҳсулотлар ўзининг хушбўйлиги ва таъми билан мамлакатда энг сифатли деб топилди ва халқаро бозорга юбориш учун йўлланма олди.

Корхоналарга ўрнатилган юксак механизациялаштирилган линиялар республикамизда томат маҳсулотларн ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 40 миллион шартли банка кўпайтиришга имкон берди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 50 ёшда
1 НОЯБРЬ, 1967 Й.

Шоир Зоҳиджон ОБИДОВ — редакциямиз меҳмони



ШОИР ЗОҲИДЖОН ОБИДОВ УЗИНИНГ КЎПЛАБ ЛИРИК ШЕЪРЛАРИ, ДИЛРАВО ҚЎШИҚЛАРИ БИЛАН ПОЭЗИЯ ВА САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИГА ЯХШИ ТАНИШ. УНИНГ ШЕЪРЛАРИДА БАХТ УЧУН КУРАШУВЧИ ИНСОН ИНТИЛИШЛАРИНИ ҲАМ, ТАБИАТНИНГ ГЎЗАЛ ҚИРРАЛАРИНИ ҲАМ, БУЛОҚЛАРНИНГ МАЙИН ШИЛДИРАШИНИ ҲАМ ҲИС ҚИЛИБ ТУРАСИЗ.

ҚЎЙИДА СИЗ ЗОҲИДЖОН ОБИДОВНИНГ ЯНГИ ШЕЪРЛАРИДАН ЎҚИЙСИЗ.

ҚОЯЛАР

Оҳулар ўтолмас қоялар,
Бургутлар етолмас қоялар,
Булутлар ютолмас қоялар,
Сиз менинг фараҳли ўйларим.

Қуёшдан тож кийган қоялар,
Тунда ой бош қўйган қоялар.
Юлдузлар ёш қуйган қоялар,
Сиз менинг қўшиғим, куйларим.

Кундуз нур, тун жило ҳамроҳдир,
Бошингиз зулматдан йироқдир,
Тубингиз ҳаётбахш булоқдир,
Сиз менинг фараҳли ўйларим.

Бўйингиз бўй қўшур бўйимга,
Сойингиз сой қўшур куйимга.
Юксалиб нурланган ўйимга—
Қанотсиз чўққилар, қоялар.

Ҳашамсиз, улуғвор қоямиз,
Тиз чўкмас, нурафшон ғоямиз.
Авжимга минг пиллапоямсиз,
Эй, юксак чўққилар, қоялар!

ҚОЛДИРМА ДОҒДА

Томчи сувлар эркалаб енгил,
Харсангни ҳам нуратар бир кун.
Силаб-сийпаб, ҳатто, майин ел,
Қояларни қулатар бир кун.

Ишқимни рашк шу сувдек узоқ—
Алдаб-авраб қолдирма доғда.
Маккор елдек ўзни бегуноҳ—
Кўрсатиб, бош солдирма доғда.

ЯПРОҚЛАР

И. А. Крыловдан илҳомланиб.

Шохдан кўкка кафт ёзиб япроқ,
Мағрурланди, унутди ўзни.
Қарсак чалиб самога ҳар чоқ,
Писанд қилмай қўйди илдизни.
Шохда олма тортиб хижолат,
Қип-қизариб қуйи солди бош.
Япроққа эс кирмишди фақат
Куз кириб, юз бурганда қуёш.

Олма ўзни отди илдизга.
Баргларни-чи, совурди шамол.
Хазон чириб далада, тузда,
Молхонада бўлди пойимол.
Аммо қолди олма уруғи,
Ниҳол бўлиб кўрсатур чирой.
Унда бордир илдиз уруғи
Мағрур барглар ҳолига-чи, вой.

ЛАВҲА

Тенг билан талпиниб, қўл чўзиб қуёш
Оғушга олади ерни кун бўйи.
Ҳар кеч ажратолмай, қон-қон тўкиб ёш,
Уфққа ботади йиғлаган куйи.

* * *

Кўнглим мағрур сорбургут эди,
Юксакларда эди парвозим.
Синовларда мисли ўт эди,
Чекинмоққа бўлганмас розим.

Йўлларида сен бўлиб пайдо,
Этдинг уни ожиз парвона.
Мағрурлиги бўлмишдан адо
Талпинади сенга, жонона.

Қайда қолди юксак парвозим,
Қутқар тезроқ парвоналикдан.
Фақат сенсан унинг мумтозим,
Қутқар тезроқ сўзонликдан.

Қалбим мағрур сорбургут эди,
Нетдинг энди мвстона қилиб.
Дил дардига боқмайин энди
Ўтма ишқинг остона билиб.

* * *

Кўнгилни қўл биланмас,
Кўз билан берилади.
Ром бўлган қушдай зимдан
Қалбдан-қалбга елади.

Муҳаббат ошёни
Қурилади юракка,
Қалбнинг соф бўлса фақат
Эришурсан тилакка.

Эҳтиёт бўл, азамат,
Уни зарда қилмагин.
Қўлинг чўзиб ортидан
Бехудага елмагин.

ИККИНЧИ УМР

У улғайиб, тоғли қишлоқда,
Олисда кўз юмди жанг чоғи.
Тин олар у йироқ-йироқда,
Қайинзорда эмиш тупроғи.

Мардлик унга берибди сайқал,
Ростланмишди бронза қадди.
У қайтадан туғилиб бу гал,
Юртга қайтди. Энди ҳеч маҳал—
Унга сиғмас ўлимнинг ҳадди.

МАНГУЛИККА ПАРВОЗ

Миллион йиллар қаърида қолган
Аждодларнинг интиҳосиман.
Миллиард йиллар сари йўл олган
Авлодларнинг ибтидосиман.

Вужудимни қиздириб турар
Аждодларнинг гупирган қони.
Миллиардларнинг жисмида юрар
Мерос қолиб, жўш урар қоним.

Мен фазокор бўлмадим, аммо
Наслим парвоз этажак бардам.
Шу қондошлар билан мен самo
Гумбазига қўюрман қадам.

МАЙЛИ, ЙЎЛИНГ БЎЛСИН СЕРЗАҲМАТ

Жилоланиб шўх сойлар томон
Заҳмат чекиб талпинади сув.
Тошар тошлар ташласа тўғон,
Ошар тўсса ҳарсанглардан у.

Дўст ирмоқлар қаршилаб бот-бот,
Ҳамдам бўлди шавқли йўлларда.
Япроқларда ёзди-ю қанот,
Ўтган ери тўлди гулларга.

Булбуллардан тинглади ғазал,
Капалаклар чиқди атласда.
Гулшанларнинг қўйнидан ҳар гал
Атир бўлиб таралди аста.

Қўлда қолган мағрур бир кўлмак
Қуриб битди тушмасдан қуйи.
Унга насиб бўлмас гул кўрмак,
Қолур фақат ботқоқ бадбўйи.

Майли, йўлинг бўлсин серзаҳмат,
Тог сувидек бўлгил шиддаткор.
Кўлмакларга боққанми одам.
На ўзи, на ўзага наф бор.

* * *

Сўзлар бор:
Ҳарсангдек бошга тушади,
Сўзлар бор:
Қанотга-қанот қўшади.

ПИЁДАЛАР

Суворийлар сурганида от,
Рух ажалдай коққанда қонот,
Жини кўзиб филлар босса ҳам
Қалқон қилиб кўксини ҳар дам
Ред этади мард пиёдалар.

Фарзинларнинг дағдағаси ҳам,
Қаттол шоҳлар бўсағаси ҳам
Улар учун писандмас зинҳор,
Улар кичик, аммо пурвиқор
Булар шундай митти доналар,

Булар шундай митти доналар,
Ёв тўпига гулғула солар.
Фовлар келса қилиб чилпарчин
Бўлур, ҳатто, забардаст фарзин,
Булар шундай мард пиёдалар.

Хавф кўрганда қўрқмас, бекинмас,
Улса, ўлур, аммо чекинмас.
Уз аҳдига содиқдир улар
Уз постида мард туриб ўлар
Булар шундай танти доналар.

Булар шундай митти доналар,
Тантилиги эс-ҳушим олар.
Сафларида турғим келади,
Зафарга тенг юргим келади.
Булар шундай мард пиёдалар.

АБРОР АКА ХОТИРАСИГА

На у жангда саркарда ва на юлдузлар лочин,
На у олим, на шоир, ёзмади қат-қат китоб.
На у сайёҳ, кезса гар арабу Ҳинд Чинмочин.
На у юртнинг бошида турган бир улкан арбоб.
Аммо ҳамма-ҳаммасини этур эди муҳайё,
Аброр оға кўрписа санъат кошонасида.
Дастлаб Шопуру Калаб бўлиб этганда шайдо,
Муқанна салобатин ҳис этдик наърасида.
Нигоҳида замонлар нафасини сезганмиз,
Нуроний Навоийни кўрганмиз чеҳрасида.

Унинг билан қадимий Дониёни кезганмиз,
Файласуф Гамлет киргач ўзбеклар саҳнасига.
Асрларнинг қаъридан, зулматларнинг қаъридан
Тиритириб келтирди бу истеъдод кўпларни.
Яголарни қийратиб Отеллолар қаҳридан,
Кипр оролларида гумбирлатди тўпларни.
Ғарбу Шарқ санъатини этиб ўзда мужассам,
Аброр оға барҳаёт авлодлар санъатида.
Ғафуру Арслон бўлиб, ижодда бўлиб ҳамдам,
Яшар сарзавқ элимнинг қайноқ муҳаббатида.

ПЛАСТИЛИН

Дам бўри шаклига кириб қолади,
Дам тулки тахлитда бўлғай намоён,
Дам мағрур шерсифат савлат солади,
Дам ундан ясалар юраксиз қуён,
Ким қандай хоҳласа, шу тусга кирар,
Ололмас ҳеч қачон мустақил ҳолат.
Қўлма- қўл эрмакдай умр ўткирар,
Ўзгалар азми-ла турланмоқ, одат,
Болалар ўйнарман пластилинни,
Баъзибир одамлар ёдга тушади,
Баъзибир одамлар ўртар дилимни,
Не учун уларни сафга қўшади.

ТУШЛАР

Фил тушига Африка томон
Олов пуркар кунлар киради.
Йўлбарсга-чи, тўқай ва ўрмон
Кураш ўтган тунлар киради.

Тоғ кийиги уйқусида ҳам
Қоя узра мағрур туради.
Тушида ҳам илон дам-бадам
Қуш инида тухум сўради.

Бургутлар-чи, ошиб чўққилар,
Уйқуда ҳам учиб юради.
Тушида ҳам тушиб қўрқувлар
Шўрлик қуён чўчиб юради.

Дил тубида ётган гаплар

ТЕПА ВА ТОҒЛАР

Замонлар айланиб таги бўш тоғлар
Туядек тиз чўкиб, адр бўлади.
Ва бундай адрлар кураган чоғлар
Чўнқайган тепалар содир бўлади.
Хайронман, баъзи бир тепалар нечун
Гердайиб ер-кўкни кўзга илмайди?!
Тоғлар курар эрса, бундай тепалар
Ҳоли не кечмогин ҳаёл қилмайди!

ИСТЕЪДОД

Ўринли таниқдан ўлмайди,
Ўринсиз мақтовдан ўлар у.

ҚОР

Қор ҳар қанча бўлса ҳам,
Иссиғи йўқ.
Хуш кўргани қуёш эмас,
Аччиқ совуқ.

ХУШОМАД

Хушомаднинг юзи иссиқ,
Қалби муздан,
Эҳтиёт бўл, тилни қисиқ
Қилар тездан.

БЕЖОҒЛИҚ

Дили бежоғликнинг
Тили тежоғлик.

Шовқини солар ҳум ичи бўш —
Бўлса нечоғлик.

ҲАСАД

Ҳасад эмдан иш кўради,
Макри пистирма.
Меҳрибонлик унга ниқоб,
Заҳри қистирма.

ТАКАББУР

Осмонни кўзлайди димоғинг,
Кўрғонни тузлайди қовоғинг,
Даврага қаҳратон киритиб,
Дилларда музлайди сабоғинг.
Пуфакка ўхшайсан, такаббур,
Кўкдан туш, бир парда пастроқ юр.
Пуфакдай ёрилсанг, сен ўзни —
Оёқлар остида, ерда кўр.

✦ Қизиқ бир ошнам бор. Бир қанча китоблар ёзган. У баҳслашувни яхши кўради. Мен эсам, у билан тортишиб ўтиришмайман. Нега дейсизми? Мана, эшитиб қўйинг:

— Унча-мунча шеър ёзиш, ёки битганларимга китоб чиқариш ҳам иш бўптими,— дейди у.

Мен шундай кезларда жавобга қарайман. Эшиги очиқ бўлса, оҳистагина ёпиб қўяман. Чунки бу гапларни эшитиб Маҳмур, Машраб, Нодира, Маҳзуна, Гулханий, Муқимий, Фурқат каби шоирлар раҳимасин дейман.

ДУНЁ ТЎҒРИСИДАГИ МИСОЛ ВА РАҚАМЛАР БИЛАН ТАНИШАР ЭКАНСАН, ҚОРНИ ТОҒДЕК ШИШГАН, ҚОНТАЛАШ ЯРАДОКТОР МЕНГА АЙТДИЛАР: «МЕН ОЧАРЧИЛИК ВА ОЧЛИКДАН ЎЛИШНИ КУЗАТДИМ. БУНИ БИЗ МИССИСИПИДА ВА ШИМОЛИЙ АМЕРИКАНИНГ БИР ҚАНЧА ЖОЙЛАРИДА КЎРДИК».

Мамлакатимиздаги бирорта штат қашшоқлик ва муҳтожликдан ҳоли бўлмаганидек, очарчиликдан ҳам ҳоли эмас. Ҳатто гоят тараққий қилган Иллинойс ҳам очликда яшайди. Бу ерда 1 280 минг америкалик ёки штат аҳолисининг 12 процентига камбағаллардан ҳам оз даромад олади.

Аппалачдаги кичик бир шаҳарчада бешта майда бола бир товукни қайнатиб беришини кутиб ўтирмасдан, майда бўлакларга бўлишган ва талашиб еб қўйишган. Бу улар оиласида уч ой мобайнида гўштнинг биринчи марта пайдо бўлиши эди. Калифорния водийларидан бирида, сой бўйида етти жондан иборат оила ташландиқ юк машинага жойлашиб олибди. Энг кичик боласи инни ёшига ҳам тўлмаган. Улар орталаб нонушта қилмайдилар. Кўпинча тушда ҳам овқатсиз қолади-лар.

Ҳозирги Америка олдида турган бу муаммонинг нақадар зўрлигини биз чиндан билмаймиз. Америка медицина хизмати генерали, масалан, бизга АҚШдагига қаратанда Покистонда бошқа кам тараққий қилган мамлакатлардаги очарчилик тўғрисида кўпроқ биламиз, деганлар тошган, апти буришган ва ҳолдан кетган болаларни кўрганингда, даҳшатли натробда қоласан. Дунёдаги энг бой мамлакатларнинг бирида бегуноҳ болаларнинг очликдан ўлиб кетаётганлиги, — дейди у. Бундан кейин қандай қилиб кун кўришларини ўзи ҳам билмайди.

Миссисипи штатидаги Гринвилл яқинида кесатиб «Озод шаҳар» деб ном олган бутун бир палатка шаҳарчаси бор. Бу ерда плантацияларнинг ғалалари қайдаги ишчилари пана топганлар. Мен ушбу палатка шаҳарчасидан ўтганимда маълум бўлдики, қандайдир муъжиза билан 48 бола тирик қолган. Улар арпа, соя ва «нима топилса, шу билан» тирик экан. Бунга қўшимча равишда ҳар ойда бир банка гўшт консерва тегар экан.

Очарчилик тўғрисидаги мисол ва рақамлар билан танишар эканман, қорни шишган, қонталаш яраҳақиқатда ҳам ўлиб кетаётир — ҳеч бир ақлга сиғмайди. Энг серхосил олти миллион акра ерига эга бўлган Миссисипи дельтасида одамларнинг оч қолишини тасаввур қилиш қийин.

Сенатор Кеннеди бизнинг Миссисипи дельтасида кўрганларимиз Лотин Америкасидаги камбағалларнинг оғир ҳаётини эслатишини айтди. Илгари инглиз армиясида хизмат қилган ва Африкада катта тажриба орттирган бир доктор Миссисипининг аҳволини худди иқтисодий даврдагидек турмуш кечираётган Кентуккининг баъзи областлари билан тенглаштириш мумкин, деди. Соғлиқни сақлаш халқаро ташкилоти соҳасида ишлаган яна бир

Бир шарифдан

„ФАРОВОНЛИК ЖАМИЯТИДА“ ОЧАРЧИЛИК

АМЕРИКА ЖУРНАЛИ «ПРОГРЕССИВ» ОХИРГИ СОНИДА СЕНАТОР ЖОЗЕФ КЛАРКНИНГ АНА ШУ САРЛАВҲА ОСТИДАГИ МАҚОЛАСИНИ БОСИБ ЧИҚАРДИ. БУ МАҚОЛА «ИЗВЕСТИЯ» ГАЗЕТАСИДА АЙРИМ ҚИСҚАРТИРИШ БИЛАН КЎЧИРИБ БОСИЛДИ.

БОЛАЛАРГА хос бўлмаган жиддий юзи, ўн ёшлар чамасидаги кўзлари катта-катта Глория Палмер исмли қиз бола — Вашингтон пастқамларида яшовчиларидан бири — олти ойлик укасини кўтариб турарди. Яна икки укаси унинг этагидан ушлаб анқайган ҳолда Америка сенаторларига тикилиб қарашиб туришарди. Уларнинг юзидан қизиқиш ва ҳаяжирлик сезилиб турарди. Улар сенаторларнинг кимлигини ва уларнинг саволларига нима деб жавоб беришни билмас эдилар. Сенатор Роберт Кеннеди ва мен Дефрис кўчасидаги мана шу ярим ғарооа уйда ижарага ўтирган оиланинг болалари билан суҳбатлашдик. Бу ердан Капитолийнинг оппоқ қуббаси ялтираб кўриниб турар эди.

Мен Глориядан (унинг онаси Вильгельмина Пальмернинг яна ўнта боласи бор) тушки овқатда нима ейиш, деб сўрадим. «Биз тушда овқат емаймиз» — деди у секингина. «Фақат кечқурун нўхат берадилар» — деб қўшиб қўйди.

Капитолийнинг биқинига жойлашган пастқамлар бўйлаб Кеннеди ва мени айлантириб юрган маҳаллий жамоа хизматчиси бизга қараб: «Бутун район ана шундай очарчиликда яшайди. Гўдаклар ва ўсмирлар арталаб оч ҳолда турадилар ва кечқурун яна оч ҳолида ётадилар. Мен шу ерда ишлаганимдан буён, ўша ердан Капитолийнинг йиллардан бери аҳвол шундай» — деб тушунтирди.

Биз оёқ кийими бўлмагани учун онаси мактабга юбормаган болаларни учратдик. Кейинчалик докторлар болаларнинг нима учун мактабга бормасдан уйларида қолиб кетаётганликлари тўғрисидаги ҳаяжонли сабабларни айтиб бердилар: «Ишшиб кетган қорни, ҳар доим ярa тошиб юришни, халдан ташқари ланчлик — даҳшатли очарчиликни фожиали оқибатидир».

Мисис Олли Мей Чэпмен тўққиз боласи билан Белзонидаги толдан ясалган капада яшайди. Биз у билан гаплашган куни унинг бола-чақаси ярталаб ҳеч нарса емаган экан.

Биз ўн беш болалик онани учратдик. Унинг қўлидаги уч кунлик боласини ўз уйида туққан. Уйда овқат ҳам, пул ҳам йўқ, деди у. Бундан кейин қандай қилиб


ЎЗ ҚОНИНИ ОҚИБАТИДИР

Мисис Олли Мей Чэпмен тўққиз боласи билан Белзонидаги толдан ясалган капада яшайди. Биз у билан гаплашган куни унинг бола-чақаси ярталаб ҳеч нарса емаган экан.

Биз ўн беш болалик онани учратдик. Унинг қўлидаги уч кунлик боласини ўз уйида туққан. Уйда овқат ҳам, пул ҳам йўқ, деди у. Бундан кейин қандай қилиб




1917 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ ФОТО ҲУЖЖАТЛАРДА




«Аврора» крейсери Николаев кўприги ёнида. Петроград, 1917 йил октябрь.
ТАСС фотохроникаси.



Петроградликлар Советлар ҳокимиятининг дастлабки декретларини ўқишмоқда. 1917 йил октябрь. Петроград.
ТАСС фотохроникаси.



Солдатлар взводи. Қишки саройни штурм қилишга тайёргарлик. Петроград томонидаги Аптекарлар ороли.
ТАСС фотохроникаси.



Қуролли исён қатнашчилари бўлган артиллериячилар Смольныйда. 1917 йилнинг 24—25 октябрда Петроград.
ТАСС фотохроникаси.

Матбуот гувоҳлик беради

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Тошкент оқшоми 50 йил

1 НОЯБРЬ, 1967 Й.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

РЕСТОРАН ВА ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ

4 НОЯБРДА (О. Кошевой номли хиёбонда — қўғирчоқ театри олдида).

САВДО-СОТИҚ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗАДИ

Ярмаркада кенг ассортиментда тайёрланган гўшт, балиқ, қуш, хамирдан тайёрланган ярим фабрикатлар, шунингдек, кулинария ва кондитер маҳсулотлари, турли тортлар, пирожноелар, печеньелар, булочкалар, шарқ ширинликлари қўйилади.

30 ДАН ОРТИҚ КУЛИНАРИЯ ВА КОНДИТЕР МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЮБИЛЕЙ ТУРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. УЛАР «ЮБИЛЕЙ МАҲСУЛОТЛАРИ» ШИОРИ ОСТИДА АҲОЛИГА ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИ.

Шу ернинг ўзида тажрибали ошпаз ва кондитерлар томонидан консультациялар уюштирилади. Улар уёки бу маҳсулот турини тайёрлаш борасида маслаҳат берадилар.

Ярмаркада турли ширинлик ва қиёмлар билан савдо қилувчи рус чойи павильони ташкил қилинди. Шунингдек, ўзбек чойи ихлосмандлари учун МИЛЛИЙ ЧОЙХОНА ҳам ташкил қилинди.

Бу ерда шарқ ширинликлари билан бирга памил ва кўк чойни истеъмол қилишингиз мумкин.

ЯРМАРКА СОАТ 12 ДАН КЕЧ СОАТ 6 ГАЧА ОЧИҚ БЎЛАДИ.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА 1

НОЯБРДА ЧОРШАНБА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Спорт эшиттириши (русча).
18.40 Бахт ва меҳнат ҳақидаги қўшиқлар.
19.20 Қозоқ куйлари.
20.00 «ПАРТИЯ — ЖОНАЖОНИМИЗ» деган музикали-адабий композиция (ўзбекча).
20.45 «Юбилей мусобақаси илғорлари» деган эшиттириш (ўзбекча).
21.00 Пахта далаларининг қаҳрамонлари учун концерт.
21.45 Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз (ўзбекча).
21.50 «Улуғ Октябрь хроникаси» (ўзбекча).
22.15 Ўзбек халқ куйлари.
22.40 «ЖАҲОН ШОИРЛАРИ ЛЕНИН ҲАҚИДА, ОКТЯБРЬ ҲАҚИДА» деган адабий эшиттириш (ўзбекча).
23.10 Москва. «ОКТЯБРЬ ҲАҚИДА СЎЗ». Октябрь кунларининг қатнашчилари бўлган ёзувчиларнинг кундаликлари бўйича адабий-композиция.

Иккинчи

19.00 Ўзбекистон композиторларининг оммавий қўшиқлари (ўзбекча).
19.30 «Дастлабки йиллар» деган радиокомпозиция (ўзбекча).
20.10 И. Акбаров. М. Шайхзода. «ТОШКЕНТНОМА» ораторияси.
21.00 Тожикистон композиторлари асарларидан концерт.
21.30 Корейс куйлари.
23.10 Ўзбекистон радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти.

РАДИОДА 2

НОЯБРДА ПАЙШАНБА

Биринчи

8.25 Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар.
9.30 Рақс куйлари.
10.10 Ленин ҳақида куйлаймиз.
10.30 «Партия раҳнамомиз». Музикали-адабий композиция (ўзбекча).
11.15 Қўшиқ ва давр. Концерт.
11.45 Москва. Улуғ Октябрь хроникаси.
12.20 Москва. «ИЛЬИЧНИНГ БАРҲАЁТ СЎЗИ».
12.30 «Биз коммунистлармиз». Радиокомпозиция (ўзбекча).
13.30 Куйлар, қўшиқлар, рақслар.
15.15 «Правда» газетасининг обзори (ўзбекча).
15.25 «Куйлардан-куйларга».
16.00 «Сўнмас у ҳунлар шуҳрати». Радиокомпозиция (ўзбекча).
17.00 МОСКВА. «Ҳилпираётган қизил байроқ остида» деган радиокомпозиция.
17.30 Миртемир. В. И. Ленин туркумидаги шеърлар (ўзбекча).
17.55 Москва. КРЕМЛДА ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГ ОЛИБ ЭШИТТИРИЛАДИ.
19.20 Татар куйларидан концерт.
20.00 «ОКТЯБРЬ» радиостанциясининг программаси (ўзбекча).
20.30 Композитор М. Бурҳонов.
21.00 Пахта далалари мусобақаси илғорлари учун концерт.
21.50 «Улуғ Октябрь хроникаси» (ўзбекча).
22.30 Москва. «Халқ ва партия бирлиги». Радиокечаси.
23.20 Пахтакорларнинг талабларига мувофиқ концерт.

Иккинчи

7.15 Қардош республикалар қурувчилари учун концерт.
8.25 «Бу қўшиқни эслайлик».
18.00 Д. Фурманов. «ИСЕН» романи асосида радиопостановка (ўзбекча).
19.30 Дилрабо қўшиқлар.
20.10 С. Юдаков. «Ленин хотираси» вокаль-симфоник поэмаси.
20.50 «Юбилей мусобақаси илғорлари» деган эшиттириш (русча).
21.00 «Жанговар дўстлар» деган очерк (тожикча).
21.30 Москва. «Ленин ҳамиша қалбимизда» деган радиокомпозиция.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАРГА

ТЕЛЕВИЗОРДА 1

НОЯБРДА ЧОРШАНБА

Биринчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

18.00 Болалар учун. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. «Ленин ва печкачи». Телеинсценировка.
18.25 Рус тилида телевизион янгиликлар.
18.35 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. Ешларнинг Улуғ Октябрга меҳнат совғалари.
18.50 ЯРИМ АСР ЙИЛНОМАСИ. «АЯ». Телевизион бадиий фильм.
19.45 «Октябрь» программаси. ЮНУС НАРИМОНОВ.
20.25 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.35 Болалар учун. «Қандай қилсам катта бўламан». Мультфильм.
20.55 «КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб». Телевизион плакат.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.15 «КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб». Телевизион плакат.
21.20 Музикали маяк.
21.30 Интервидение. «Фаннинг революцион марши».
22.00 Хоккей бўйича СССР биринчилиги учун. ЦСКА — «ДИНАМО» (Москва). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
24.00 «КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб». Телевизион плакат.
00.35 «Ватанимиз ҳаётидан бир соат» (эрталабки эшиттиришнинг давоми).
01.40 Телевизион янгиликлар.
02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

18.00 «Комсомолларнинг ишлари ҳақида» деган эшиттириш.
18.25 «Шахматчилар». Илмий-оммабоп фильм.
18.45 «Алангали йиллар кишилари». Телеочерк.
18.55 Ўзбекистон композиторлари — студиямиз меҳмонлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.50 «Тингла бизни, Ватан!» Пионерлар рапорти.
20.05 «Юлдузча порлайди».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

20.35 Меҳнат қаҳрамони — Марҳамат НУЛДОШЕВА.
20.55 Экранда — ярим аср йилномаси. «ФАРЗАНДЛАР». Бадиий фильм.

ТЕЛЕВИЗОРДА 2

НОЯБРДА ПАЙШАНБА

Биринчи

МОСКВА КЎРСАТАДИ

17.55 «БИЗНИНГ ЛЕНИН». Кремлда В. И. Ленин ҳайкалининг тантанали очилиши.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

19.00 Болалар учун. «УЛАР ИЛЬИЧНИ КЎРГАН ЭДИЛАР».

Рус тилида:

19.30 Телевизион янгиликлар.
19.45 Экран — юбилей йилида».

Ўзбек тилида:

20.35 Телевизион янгиликлар.
20.55 Октябрь революцияси номли заводда.
21.15 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. Телевизион миниатюралар театри.
21.55 Октябрь бувёд этган шаҳарлар.
22.15 Халқ созанда-бастакорлари юбилейга. Муҳаммаджон Мирзаев.

Иккинчи

Ўзбек тилида:

18.00 «Тарих тилга кирганда».
18.20 Экранда — ярим аср йилномаси. «НАТАШАХОНИМ». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.50 «Тингла бизни, Ватан!». Пионерлар рапорти.
20.00 Ўқувчилар учун.
20.55 «КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб». Телевизион плакат.
21.00 «Жаҳон ҳафта ичида». Халқаро программа.
21.30 Т. Хренников. «БЎРОНДА». Н. Г. Чернишевский номидаги Саратов давлат опера ва балет театрининг спектакли. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар ва «КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб» номли телевизион плакат.
01.15 Телевизион миниатюралар театри. «Ўн уч стул».
02.15 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ

17.00 Экран — болаларга. «Ленин юлдузлари, порлайверсин!».
17.40 «Олмаота юбилей олдидан».
19.00 «Қувноқ Ватан». Концерт.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

19.30 Болалар учун. «ОЛТИН КАЛИТЧА». Кинофильм.

Рус тилида:

20.50 Экранда — ярим аср йилномаси. «ПЕДАГОГИК ПОЭМА». Бадиий фильм.

КИНО театрларда

1 НОЯБРДА

Лўли — «МОСКВА», НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Марианна — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кечқурун).

Бурьян (кенг экранли рангли фильм) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим ва кеч 7 яримда).

Хоинлик — «ЧАЙКА» (кечқурун).

2 НОЯБРДА

Лўли — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Марианна — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Бурьян — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9.15 минутда).

Хоинлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XI да Қотил, 3/XI да Парвона.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7—8 ноябрда

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЖУМАНИЁЗ БЕКЖОНОВ, солистлар: ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА, ГУЛЧЕҲРА ИСМОИЛОВА, МАНЗУРА МУМИНОВА, ШАРИФ СУЛТОНОВ, ТУХТА РИСМЕТОВА, РАЖАБ ИСМОИЛОВ ва бошқалар қатнашади.

7 ноябрда концерт кундуз соат 2 да, 8 ноябрда кундуз 1 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

„БЕОРОМ ЮРАКЛАР“

ёшлар коллективининг

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ

АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — Владимир Тин.

Масхарабозлар — Коваленко ва Мочалов.

Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — Орган Ташкентского Горисполкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—ВЗ-02-49 дан ВЗ-02-58 гача, редактор ўринбосарлари— ВЗ-29-33; ВЗ-29-09; масъул секретарлар—ВЗ-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—ВЗ-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—ВЗ-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—ВЗ-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—ВЗ-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—ВЗ-27-57; ахборот бўлими—ВЗ-65-57; эълонлар бўлими—ВЗ-81-42.

1 НОЯБРЬ, 1967 ИЛ. Р. 06863. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3049.